


# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

1/2012



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Таълим тизимида  
ижтимоий-гуманитар фанлар**

Илмий-методологик ва илмий-услубий  
журнал. 2002 йилда ташкил топган

Йилига 4 марта  
чоп этилади

№1 2012

**Социально-гуманитарные  
науки в системе образования**

Научно – методологический и научно –  
методический журнал. Основан в 2002 году

Издается  
4 раза в год

№1 2012

**Social sciences and the  
Humanities in the system of education**

№1 2012

Scientific, methodological and methodical  
Journal. Established in 2002

published quarterly

Тошкент – 2012

## МУНДАРИЖА

### МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Махкамов У., Тилабова Н.У. Оилада ёшларни тарбиялаш муаммолари.	12
Каримов Б.Р., Боходирова З.Р., Шарипов А.Дж. Ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришнинг баъзи масалалари.	17
Жабборова С.Р. Маънавиятни юксалтириш - ғоявий-мафқуравий таҳдидлардан ҳимоялашнинг асосий омили.	19
Абдуллаева М., Артикова М., Турсунова М. Бола тарбиясида ўзбек оилаларининг тарбиявий имкониятлари.	21
Акрамова А. Оила мустаҳкамлигида шахсий сифатларнинг гендер хусусиятлари.	23
Усманов Н.У., Зулфиқоров И. Бунёдкорлик ғояларини ўқувчилар онги ва қалбига сингдиришда тизимли ёндашув.	26
Ахатова Д., Фозилова З.А. Ўқув жараёнида талабаларда педагогик маданиятни шакллантириш	28
Ходжиева Ф.О. Баркамол авлод онгида танқидий фикрлашнинг ўрни.	30
Киямов Н.С. Талабаларда мусиқий тафаккурни шакллантириш.	33
Сатторова Г.Н. Таълим-тарбия жараёнида шахснинг маънавий камолоти.	36
Фармонов Ў. Бўлажак мутахассисларни ижодий фаолиятга тайёрлашда илмий кадриятлардан фойдаланиш тизими.	38

### МОЗИЙ ВА МЕРОС

Қодиров О. Ўрта Осиё қомусий олимларининг ижтимоий-педагогик қарашлари.	40
Хажиева М., Ёрметов С. Имом ал- Бухорийнинг маънавий-ахлоқий ғоялари.	42
Ўтанов Н., Носиров О. Ўзбекистон олий таълим фаолиятида мутахассис кадрлар тайёрлаш тарихи.	44
Избуллаева Г.В. Жалолиддин Румийнинг педагогика тарихидаги ўрни.	47
Хусанов Ф.М. Нажмиддин Кубро – кубровия тариқатининг асосчиси.	50
Холназарова Л.С. Осиё музейида Бухоро қўлёзмалари.	53

### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Химматов А. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўз ўзини англаши ва ривожлантиришининг концептуал ҳолатлари.	56
Рахимов З. Таълим жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш механизмлари.	58
Акбарходжаев З.А., Усмонова З.Н., Собирова З.З., Акбарходжаева С.З. Ўзбекистон Республикаси техника олий ўқув юрғларида мутахассислар тайёрлашнинг муаммолари ва истиқболи.	60
Гулямова М., Рахмонова М. Оғзаки нутқ дарсларини ўқитишда янги технологияларнинг аҳамияти.	62
Ахмаджанова М., Абдукодирова М. Таълим жараёнида аудиоматннинг коммуникатив йўналиши.	64
Ибодуллаева О., Абилова Г. Чет эл таълими тараққиётининг асосий йўналишлари.	66
Юзликаева Э.Р. Бўлажак ўқитувчилар касбий таълимнинг педагогик диагностикаси.	68
Тўрақулов О.Х. Инновацион дастурий дидактик мажмуалар негизда ахборотли бошқарув.	71

<b>Абдуазизова В.В.</b> «Педагогик ижод» дастури.	73
<b>Аюбова И.</b> Экологик хавфсизлик маданиятини шакллантиришнинг педагогик мазмуни борасида.	77
<b>Янгибоев К.Н.</b> Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ижтимоий баҳолаш мезонлари.	80
<b>Шарипова Г.Н.</b> Талабалар ўз-ўзини ривожлантиришнинг зарурий шароити – ўқув фаолияти ўзига хосликларининг назарий таҳлили.	83
<b>Юнусходжаева С.А.</b> Ўсиб келаётган ёш авлодга эстетик таълим-тарбия беришни миллий - амалий санъат орқали амалга ошириш.	85
<b>Баходирова Г.К.</b> Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тарбиялашнинг маънавий- маърифий дастурини шакллантиришда қадриятлар устуворлиги масалалари.	88
<b>Мойдинов А.</b> Мультимедиа яратишнинг ўзига ҳос жиҳатлари.	90
<b>Бакирова Х.Б.</b> Дискурсив компетенция асосида касбий мулоқотга ўргатиш.	91
<b>Хужамбердиева Ш.</b> Бошланғич таълим жараёнида модулли технологиядан фойдаланиш.	94

### СИЁСАТШУНОСЛИК

<b>Бекжанов Н.</b> Сиёсий маданиятнинг кўп тартибли хусусияти.	97
<b>Амонов Б.</b> Японияда модернизациялаш.	100
<b>Хайдаров О.</b> Жамоатчилик назорати тизими аҳамияти.	104
<b>Камолитдинов А.</b> Жамиятни модернизациялашнинг концептуал жиҳатлари.	107
<b>Мавлонова З.</b> Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тарихи	110
<b>Рахимова М.И.</b> Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг роли	112

### ФАЛСАФА

<b>Хайтов Ш.И.</b> Авесто – фалсафа фанининг пайдо бўлишидаги биринчи манба.	116
<b>Обидов А.</b> Диний бағрикенглик (толерантлик)ни таъминлаш – Ўзбекистон барқарор ривожланишининг омили.	120
<b>Қадирова З.Р.</b> Ёшларда толерантликни ривожлантиришда аёлларнинг ролини фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим фактори сифатида таҳлил қилиш.	123
<b>Керимов У.Л.</b> Фалсафий қарама-қаршилик: Гераклитнинг логос назарияси ва Аристотелнинг формал логикаси.	126
<b>Нуруллаева Н.К.</b> Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги ва миллатлараро муносабатларнинг бирлашуви.	129
<b>Хаджиев У.Ш.</b> Девиант ва девиант хулқ - атвор тушунчасининг ижтимоий фалсафий таҳлили.	131
<b>Раззоқов А.А.</b> Ижтимоий тараққиёт қонунларининг тарихий онгда акс этиши.	135
<b>Миржамолова Н.З.</b> Фалсафа тарихи ва руҳий таҳлилда инсон ҳамда онгсизлиги масаласи.	137
<b>Исламова Д.Х.</b> Миллий ғоя мамлакат ёшларини тарбиялашда асосий омил.	140
<b>Махкамов У.А.</b> Фалсафа фанида диалог тушунчасига муносабат.	142

### ФИЛОЛОГИЯ

<b>Рахимов А.У.</b> Тилни янгича талқин этишнинг методологик асослари.	146
<b>Шукуров О.</b> Луғатларнинг миллий маданиятни шакллантиришдаги ўрни.	149
<b>Паизбекова А.Дж.</b> Концепт тушунчаси дефиницияси ҳақида.	152
<b>Тўраева М.</b> Инглиз ва ўзбек мақолларини таълим жараёнига татбиқ қилиш.	154

Ташпулатова Д.Б. Лингвосоциомаданий метод чет тили ўқитишнинг асоси сифатида.	156
Саядуллаева О. Ўзбекистонда партия нашрлари ва уларнинг пайдо бўлиши омиллари.	158
Эрназарова М.С. Прагмалингвистиками ёки лингвопрагматика?	160
Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonларида фонетик такрорлар.	164
Хужамбердиева Ш.К. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonини ўрганиш.	167
Ғаффарова Ш.Х. Техника Олий ўқув юртларидаги русийзабон талабаларнинг ўзбек тилидаги ўқув луғати тузиш лойиҳаси ҳақида.	169
Тўхтамуратов Ф. Маърифатпарвар шоир.	171
Юлдашева Х., Усмонова О. Тил ўргатиш самарадорлигини оширишга оид инновацион усуллар	173

### ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Шоимов Қ. Жамиятни модернизациялаш шароитида янги иқтисодий тизимни либераллаштириш ғояси.	176
Алимходжаев С.Р, Хашимова С.Н. Республика қора металлургия ишлаб чиқаришини модернизациялаш шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўллари.	178
Махамбетова У.Р. Деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлиги.	180
Қутлимуродов С.П. Тижорат банклари томонидан саноат корхоналарини кредитлаш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.	184
Умаров О.С. Бозор иқтисодиёти шароитида коммунал хўжалик хизматларини такомиллаштириш.	187
Абдуллаева И.Ғ. Бозор муносабатларининг ҳуқуқий асослари.	189

### МУРАББИЙ ВА ТАЛАБА

Усманов Н.Ў. Ўқитувчиларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш мезонлари.	193
Саидова Г., Ахатова Д.А. Таълим мазмуни – шахс камолотининг асосий омилли.	195
Тургунова Ш. Маданиятлараро мулоқотнинг асосий тамойиллари	197
Нигматуллина Г.Р. Баъзи инглиз исмлари ва фамилиялари талаффузидаги қийинчиликлар.	200
Каримова Н.Н. Ижод талабаларнинг касбий компетентлиги омилли сифатида.	202
Эрматова М. Тарбияланувчиларнинг ақлий тафаккурини шакллантириш.	205
Одилова С.Д. Психологиянинг оила тарбиясидаги омиллари.	207
Нагметова Н. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш.	208
Гришина Л.В. Ўқувчиларда касбий билишни шакллантириш масалалари.	211

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Хуррамов Қ., Эргашев А. Деҳқончилик лексикасидан йирик тадқиқот.	213
--	-----

В-четвертых, следует ясно представлять себе, что решение перечисленных выше проблем может быть оптимально только в том случае, если будут учтены, с одной стороны, некоторые существенные свойства термина как языковой единицы, а с другой – оппоненты между терминами, обусловленные системностью научного знания. Имеем в виду, прежде всего, структурную неоднородность терминов, их иерархическую упорядоченность, а также избыточность отраслевых терминологий, проявляющуюся в наличии вариантов и синонимов.

Наконец, в-пятых, учебный словарь, адресованный русскоязычным студентам технических вузов, может и должен быть более эксплицитно ориентирован на учебную литературу, изучаемую студентами на занятиях по специальности.

Подводя итог сказанному, заметим, что в рамках изложенного проекта можно говорить, по крайней мере, о двух разновидностях словарей активного типа в зависимости от того, на каком (родном или изучаемом) языке изучается студентами их основная специальность.

Если преподавание специальности осуществляется на родном языке, система понятий соответствующей отрасли знания оформляется в языковом сознании студента именно на этом языке. Соответствующий такой ситуации словарь активного типа должен непременно помимо «входа» на изучаемом (узбекском) языке иметь ещё и «вход» на родном языке студентов. Этим именно соображением мотивируется трёхчастная структура первой разновидности обсуждаемых словарей: первая часть – описание свободной и несвободной сочетаемости отобранных терминов, вторая часть – узбекско-русский индекс, позволяющий семантизировать весь лексический массив, вовлеченный в описание сочетаемых свойств указанных терминов, а третья часть – русско-узбекский индекс, обеспечивающий переход от смыслового задания на родном языке студентов к его выражению средствами узбекского языка.

### Литература

1. Марковкин В.В. Опыт идеографического описания лексики. – М., 1977. 98с.
2. Торшина Л.М., Крюк Л.А. Учебный словарь сочетаемости терминов: технология металлов и материаловедение. Под.ред. В.В. Марковкина. М., 1981. С. 67-69.
3. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии / Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л., 1974. -99с.

Тўхтамуратов Ф., ЎЗМУ

### Маърифатпарвар шоир

В статье высказывается мнение, что в лирике Хусайнкули Сулаймонкули угли Мухсиний (1860 - 1917) отражены вопросы образования – просвещения.

This article deals with the poet of Husaynkuli Muhsiniy son of Sulaymonkuli (1860-1917) and there is a definition of science theme.

XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек адабиёти ифода шакли, тасвир усули, жанр хусусияти ва мавзу кўламига кўра жиддий ўзгаришларга юз тутди. Шунга кўра адабиёт анъанавий вазифасидан чекиниб, кучли ижтимоийлик касб этди. Дастилаб Муқимий, Завқий, Фурқат лирикасида янгича тасвир ҳамда ижтимоий мавзулар намоеън бўлган бўлса, кейинчалик бу ҳол уларнинг издошлари ижодида ҳам кенг ёйилди. Ана шундай иждоқорлардан бири Хусайнкули Сулаймонкули ўғли Муҳсинийдир (1860-1917).

2008 йилда Қўқон адабиёт музейи илмий ходими У.Неъматов томонидан Муҳсинийнинг “Барҳаёт гулшан” девони жорий алифбода нашр этилди. Девонда шоир қаламига мансуб ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, нома, қасида, таърих, рубоий каби мумтоз шеърят намуналари ўрин олган. Муҳсиний шеърларида ҳам Муқимий, Завқий, Фурқат каби шоирлар ижодига хос хусусият – илм-маърифат ғоялари тараннум этилган. Бундан ташқари, шоир лирикасида айрим тасаввуфий мазмундаги шеърлар бор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Муҳсиний лирикаси мазмун-моҳиятини ижтимоий-маънавий, диний-маърифий, ишқий мавзулар ташкил этади.

Маълумки, шоир яшаган даврда илм-маърифат мавзуи ҳаёт-мамот масаласига айланди. Шу сабабдан ҳам Муҳсиний бу мавзуни четлаб ўта олмади ва шоир ўз шеърларида илм-маърифатни кучли дард билан ифода этди:

*Илм одоб ўла инсона шараф,*

*Йўқса асли ани бир тийра хазаф.*

*Маърифат топса ўша инсондир,*

*Варна ҳайвон ишидур обу алаф.*

Инсон илми–одоби билан иззат-ҳурмат ва шарафга сазовор бўлади. Агарда одамларда бу фазилатлар бўлмаса эди, у бир парча сопол парчаси каби бекадр бўларди.

Муҳсиний назарида кимки илм–маърифатга интилса ва уни топса, у ҳақиқий инсон деган номга муносибдир. Ўт ейиш, сув ичиш ҳайвон ишидур, ахир инсон ўзининг онги, ақли, маърифати билан ҳайвондан ажралиб туради-ку! Шоир бу билан инсонларни маънавий уйғонишга, ўзликни англашга ва илм-маърифатли бўлишга чақиради.

Шоир мухаммасларида ҳам илм-маърифат мавзуси етакчилик қилади. У ўз даври учун янги, долзарб фикр ва мулоҳазаларни санъаткорона тарзда ифодалайдики, бу шоир истеъдоди юқорилиги, ҳаётий тажрибаси кенглигидан далолат беради. Муҳсиний шеърларидаги ғоялардан унинг дунёда кечаётган жараёнлардан хабардорлиги ҳамда уларни теран идрок қила оладиган иждоқор эканлиги кўринади. Бу жиҳатдан мана бу байт эътирофга лойик:

*Ўзга миллат топади илму маориф–ла ривож,*

*Бизни айлар ўзини ҳийлаларига муҳтож.*

Муҳсиний ҳам маърифатпарвар замондошлари қатори миллат аҳлининг маънавий юксалиши, жамиятнинг ривожланиши учун ягона восита илмли бўлиш деб билди. Шу сабабли замондошларини тинимсиз илм олишга даъват этди.

Мухсиний лирикасида маърифий ва дунёвий мавзулар бири иккинчисини тўлдирадиган тарзда ёритилади. Бу ҳол шоир ижодида дунёвийлик тушунчаси нисбатан тенг ифодаланганлигини кўрсатади. Гарчи унинг ижодида маърифий мавзуда ёзилган шеърлар асосий ўринда турса ҳам, шоир дунёвий илмга катта эътибор қаратади.

Мухсиний замонасининг мард, саҳий кишиларини илм йўлида ёрдам, мадад бериши ва мадрасаю, мактаб бунёд қилишга чақиради. *“Илм бир гавҳар эрур, атфол кўнглида садаф”*, -шоир наздида илм шундай бир гавҳарки, унинг ўрни бола кўнглида садаф кабудир. Ҳар бир одам фарзанди илм билан иззату шараф, кадр-киммат топади. Шоирнинг бу фикрлари ҳозирги замон учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, илм-маърифатчалик инсонни, юксак ва улугликка кўтарадиган тушунча йўқдир. Шоир таржеъбандларида ҳам бу тушунчани ўзига хос ифода этади: *Бу жаҳон фоний эрур ҳам бесабот, Илму ирфондир ҳаёти жовидон*”-мазкур мисоллардан ҳам аён бўлмоқдаки, бу жаҳон ўткинчи эканлиги билан бирга бекарорлиги ҳам муқаррардир. Бу ҳол шоир қалбини қийнайди. Шу боис инсон илм-маърифат орқали дунёда абадий ном қозониши мумкинлигини шоир файласуфона тарзда ифодалайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Хусайнкули Сулаймонкули ўгли Мухсиний лирикаси мавзу кўлами ранг-баранг бўлиб, унинг ижодида илм-маърифат мавзуси етакчилик қилади. Мухсиний мазмунан теран, ишқий, диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърлари билан миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари орасида муносиб ўринига эга.

#### Адабиётлар

1. Қосимов Б. Излай-излай топганим... - Т.: Гафур Ғулом, 1983. 272 б.
2. Мухсиний. Барҳаёт гулшан. – Ф.: Фарғона, 2008, 168 б.
3. Жабборов Н. Маърифат надир? – Т.: Маънавият, 2010. 112 б.

Юлдашева Х., Усмонова О., ТошДТУ

### Тил ўргатиш самарадорлигини оширишга оид инновацион усуллар

В данной статье освещаются вопросы организации инновационных методов, с научно-методической точки зрения, по эффективному обучению языкам.

\*\*\*

The article deals with the issues of organization of innovative methods on efficient teaching of languages with the scientific and methodic point of view.

Баркамол авлод йили Давлат дастурини амалга ошириш таълим тизимини сифат жиҳатдан янада такомиллаштирини тақозо этади. Таълим тизими мутасаддилари олдида турган муҳим вазифалар сирасига ёш авлодни тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳаётнинг барча жабҳаларига тайёрлаш, жаҳиятни ҳар томонлама ривожлантира оладиган, илғор ғояларни илғари